


“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“MY-INSURANCE” АЖ

суғурта ташкилоти
Бош директори в.в.б.



_____ **А.К. Юлдашев**

“18” февраль 2025й.

**ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА АЖРАТИЛАЁТГАН АВТОКРЕДИТНИ
КОМПЛЕКС СУГУРТАЛАШ ҚОИДАЛАРИ
(18.02.2025 й. 49/24/1/002-СОНЛИ БОШ ШАРТНОМАГА АСОСАН ТАСДИҚЛАНГАН)**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1 Мазкур “Автокредитни комплекс суғурталаш” кредит лойиҳаси бўйича Қоидалари (кейинги матнларда Қоидалар) суғурта фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги мувофиқ ҳамда умумий суғурта соҳасининг 3 ва 14 классларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва автотранспорт воситаларини суғурталаш қоида ва шартларини ифодайди (аниқлайди).

1.2 «MY-INSURANCE» АЖ СТ (кейинги ўринда “Суғурталовчи”), Мазкур Қоидалар асосида, суғурта ҳодисаси юзага келганда Қарз олувчи (“Суғурта қилдирувчи”) ва банк ўртасида тузилган кредит шартномасида кўрсатилган Суғурта қилдирувчининг олган кредит суммасини суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври мобайнида қайтара олмаган қисмини тўлаб бериш ҳамда кредит шартномаси асосида харид қилинадиган (гаровга қўйилаётган) автотранспорт воситасига етказилган зарарни Наф олувчи/Суғурта қилдирувчига қоплашни зиммасига олади. Суғурта қилдирувчи эса мазкур қоидаларда кўзда тутилган тартибда ва муддатларда суғурта мукофоти (бадали) тўланишини зиммасига олади.

2. БОШ ШАРТНОМАДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН АТАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪРИФИ:

2.1. Умумий атамалар:

Суғурталовчи – умумий суғурта соҳасининг тегишли класслари бўйича суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти – «MY-INSURANCE» АЖ СТ;

Суғурта қилдирувчи – оммавий офертада томон сифатида иштирок этувчи ва Суғурталовчи билан аниқ суғурта муносабатларига киришувчи ҳамда мулкий Наф олувчи ХАТБ «Давр банк» ва унинг филиаллари, банк хизматларини кўрсатувчи марказлари ва сотув нуқталари.

Наф олувчи – Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта шартномаси (гаровга қўйилаётган) автотранспорт воситасига етказилган зарар бўйича суғурта тўловларини олиш учун белгиланган жисмоний ёки юридик шахс;

Суғурта шартномаси - ёзма келишув бўлиб, унга кўра суғурталовчи келишувда шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига келишувда назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда суғурта қилдирувчига суғурта товонини тўлаш мажбуриятини олади;

Суғурта полиси - Суғурталовчининг мазкур шартнома бўйича мажбуриятлари кучга кириши ҳолатини тасдиқлайдиган, Суғурта қилдирувчига унинг суғурта мукофотини ёки унинг биринчи қисмини (бадалини) тўлашдан кейин бериладиган ҳужжат;

Суғурта пули – Суғурталовчи унинг доирасида суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини тўлаш мажбуриятини зиммасига оладиган сумма бўлиб, унинг миқдори Суғурта қилдирувчининг Суғурталовчи билан келишуви орқали белгиланади;

Суғурта мукофоти (бадали) – Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига суғурта шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда тўлаши шарт бўлган суғурталаш учун тўлов;

Суғурта товони – Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта шартномасида кўзда тутилган суғурта ҳодисаси юзага келиши туфайли келиб чиққан зарарларни белгиланган тартибда қоплаш учун тўланадиган сумма;

Суғурта тарифи – суғурта мукофотининг суғурта пули суммасига нисбатан меъёрланган миқдори, бу мутлак пул кўринишида ёки суғурта пули суммасидан фоизларда аниқланади.

2.2. Махсус атамалар:

Шартсиз франшиза – Суғурта қилдирувчи зарарларининг маълум қисми бўлиб, уни қоплаб бериш бўйича Суғурталовчи жавобгар бўлмайди. Шартсиз франшизада Суғурталовчининг жавобгарлиги франшизанинг суммаси айирилган зарарнинг миқдори билан белгиланади;

Кутиш даври - шартномада кўрсатилган тўлов санасидан бошлаб ҳисобланадиган, суғурта шартномасида келишилган воқеа натижасида содир бўлган зарарни қоплашгача ўтиши лозим бўлган кетма-кет календарь кунлари сони – 15 кун (кутиш даври - қарз олувчининг олган кредитини қайтара олмаслик жавобгарлигини суғурта қилиш rischi бўйича қўлланилади);

Зарар – Суғурта ҳодисаси содир бўлганда Қарз олувчи Суғурта қилдирувчи олдидаги ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаслиги натижасида Суғурта қилдирувчининг тадбиркорлик қалтисликларидан яъни қайтариб ололмаган кредитнинг асосий қарз пул маблағлари миқдори ҳисобланади. Мажбурият бажарилмаганлиги юзасидан ҳисобланган фоиз, пеня, жарима ва бошқаларга нисбатан Суғурталовчи ҳеч қандай жавобгарлик олиб бормайди. Зарар миқдори шартнома шартларига асосан аниқланади.

Табиий ёнғин – табиий офатлар натижасида келиб чиққан ёнғин. Бу табиий омиллар, масалан чакмоқ ёки куруқ об-ҳаво шароитлари натижасида юзага келадиган ёнғинлар.

Суғурта объекти – мазкур суғурта шартномаси бўйича 2 та таваккалчилик (риск) суғурталанган бўлиб, биринчи риск бўйича суғурта қилдирувчининг олган кредитини қайтара олмаслиги билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган мулкый манфаатлар, иккинчи риск бўйича гаровга қўйилаётган автотранспорт воситалари (1-илова) билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган мулкый манфаатлар ҳисобланади.

Географик зона – Суғурталовчининг мажбуриятлари амал қиладиган ҳудуд.

3. СУҒУРТА ҲОДИСАЛАРИ

Мазкур суғурта шартномаси бўйича қуйидаги рисклар суғурта қилинади:

I-Бўлим. Қарз олувчининг олган кредитини қайтара олмаслик жавобгарлигини суғурта қилиш - Суғурта ҳодисаси бўлиб, қарз (кредит) олувчининг кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни кредит берувчига кредит шарномасига асосан қайтариш жадвалида белгиланган муддатда қайтара олмаслиги ҳисобланади. Суғурталовчининг мажбурияти кредит шартномасида кўрсатилган қайтариш охириги муддати келганидан сўнг 15 кун ўтиб юзага келади.

Суғурта шартномасининг 3.1.-бандида белгиланган шартлар бажарилиши ёки бажарилмаслигидан қатъий назар Суғурталовчи ўзининг ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда суғурта товонини тўлаб бериш ҳуқуқига эга.

II-Бўлим. Автотранспорт воситасининг йўқотилиши ёки шикастланиши - Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига ёки Наф олувчига мазкур суғурта шартномасига биноан Суғурта қилдирувчи ва Наф олувчи ўртасида кредит шартномаси асосида ҳарид қилинган (суғурталанган) автотранспорт воситасига қуйидагилар натижасида зарар етказилиши ёки йўқотилиши табиий офатлар: ёнғин, портлаш, яшин уриши, сув босиши, бўрон, довул, ёмғир, дўл, қалин қор ёғиши, сел, зилзила, ер силжиши, кўчки; йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТХ), учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари натижасида юз берган жисмоний йўқотилишидан ёки шикастланишидан бевосита зарарларни қоплаб беради.

4. ИСТИСНОЛАР

4.1. I-Бўлим. Қарз олувчининг олган кредитини қайтара олмаслик жавобгарлигини суғурта қилиш.

4.1.1. Мазкур суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи қуйидаги ҳолатларда Суғурта қилдирувчининг юзага келган зарарлари бўйича жавобгарлик олиб бормайди:

- агар суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи ўз вақтида суғурталовчини белгиланган муддатда амалга оширилмаган тўловлар бўйича ва суғурта ҳодисалари юзага келганда ўз вақтида ёзма равишда огоҳлантирмаган бўлса;

- наф олувчининг суғурта ҳодисасини келтириб чиқаришга қаратилган қасддан қилган ҳаракатлари (кредит олишдаги товламачилик, ноқонуний тадбиркорлик, ўғирлик, порахўрлик, фирибгарлик, ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш, ёлғон, сохта банкротлик).

4.1.2. Суғурталовчи қуйидаги ҳолатларда суғурта қилдирувчига/наф олувчига суғурта товонини тўламаслик ҳуқуқига эга:

- мазкур суғурта шартномаси амалда бўлган даврда наф олувчи суғурталовчи билан келишмасдан, унинг ёзма розилигини олмасдан кредитни (қарзни) қайтариш графикларини (тўлашнинг охириги санаси, суммаси) ўзгартирса, унга ўзгартириш киритса ёки бошқа шартларига қўшимча ёки ўзгартиришлар киритса;

- банк (қарз берувчи) кредит шартномаси шартларини бажармаса, шунингдек қарз олувчида кредитни қайтариш имконияти бўла туриб, банк томонидан қарзни кредит шартномасида кўрсатиб ўтилган вақтда ва миқдорда қонунчиликда ўрнатилган тартибда ундириш чораларини (гаровга қўйилган мол-мулк, транспорт воситаси, кафиллик ва х.к.ларга қаратилмаган) кўрилмаган бўлса.

- қарздор томонидан кредитни мақсадсиз ишлатилган ҳолатлар, бунда суғурта жавобгарлиги кредитнинг мақсадсиз ишлатилган суммасига мутаносиб равишда камайтиради (мазкур ҳолат яъни кредит маблағини тўлиқ ёки қисман мақсадсиз ишлатилганлиги ваколатли органлар, Суғурталовчи/Суғурта қилдирувчи вакиллари иштирокида тузилган мониторинг далолатномалари, суд қарорлари ёки ҳукми билан тасдиқланиши лозим)

4.1.3. Суғурта куйидагиларга нисбатан тадбик этилмайди:

- кредит шартномаси асосида ҳисобланган ҳар қандай кредитдан фойдаланганлик учун қарз олувчининг кредит шартномаси шартларини бажармаганлиги учун ҳисобланган пеня, жарима ва бошқа пул маблағлари;
- суғурта қилдирувчининг (қарз олувчининг) судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳаражатлари, шу жумладан суд ҳаражатлари;
- суғурта қилдирувчининг (қарз олувчининг) нинг кредит суммасини қайтаришда адашиб бошқа счетларга ўтказиши ёки шу билан боғлиқ нотўғри амалга оширилган ўтказмалардан кўрилган зарарлар.

4.2. II -Бўлим. Автотранспорт воситасининг йўқотилиши ёки шикастланиши.

4.2.1. Агар ҳодиса куйидагилар натижасида юз берса, у суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

а) суғурталанган транспорт воситаси ихтёрида бўлган Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчининг ёки Наф олувчининг суғурта ҳодисаси содир бўлишига йўналтирилган, қасдан қилган ҳаракатлари, ўз фуқаролик бурчини адо этиш ёки Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчи ёки учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, номуси ва кадр-кимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар бундан мустасно;

б) Суғурта қилдирувчи ва/ёки Наф олувчи томонидан суғурталанган транспорт воситаси ҳақида аввалдан ёлғон эканлиги маълум бўлган маълумотларни хабар қилиниши;

в) исталган шаклдаги алкогольли, гиёҳвандлик ёки токсик мастлиги ҳолатида ёки реакция тезлигини ва диққатини пасайтирувчи дори препаратларининг таъсирида бўлган Ҳайдовчининг автотранспорт воситаларини бошқариши, бетоблик ёхуд қаттиқ чарчоқ ҳолатида бошқариши, ухлаб қолиши тиббий кўриқдан (мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича экспертизадан) ўтишдан бош тортса ёки ўтмаган/қонунчиликда белгиланган муддат (4 соат ичида) ўтмаган бўлса;

г) ТВ га ўрнатилган газ ускуналарининг (балон) портлаши, ёниши, газнинг сизиб чиқиши оқибатида юзага келган ҳар қандай зарарлар.

д) ТВнинг двигател ва электр тармоқлари қисмида ҳар қандай турдаги қисқа туташув натижасида юзага келган зарарлар;

е) Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Ҳайдовчи ёки суғурталанган транспорт воситасидан фойдаланиш ёки уни бошқариш ишониб топширилган шахс томонидан фирибгарлик ҳаракатлари ёки ҳар қандай ёлғончилик;

ж) Ҳайдовчининг темир йўлдан ўтишда йўл ҳаракати қондасини бузиши, светофорнинг тақиқловчи чироғида ҳаракатланиши ва йўлнинг қарама-қарши ҳаракат йўл тасмасига чиқиб ҳаракатланиши шу жумладан чиқиб кетиши;

з) суғурталанган транспорт воситасининг ушбу шартнома амал қилишидан аввал бўлган носозлиги ёки нуқсонлари бу ҳақида Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи/Ҳайдовчи билганлиги ёки билмаганлигидан қатъий назар;

и) суғурта қилинган ТВ ни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ транспорт воситасини бошқаришга ҳуқуқи ва руҳсати (ҳайдовчилик гувоҳномаси, ишончнома, йўл варақаси, мажбурий суғурта полиси ва бошқалар) бўлмаган шахс томонидан бошқарилиши. Мазкур банднинг қоидалари суғурта қилинган ТВ ўғирланган тақдирда қўлланилмайди;

к) Ўзбекистон Республикаси Йўл ҳаракати қоидаларининг 78, 79, 80, 81 бандларида кўрсатилган транспорт воситаларининг тезлик ҳаракати қондасини бузиши ва қувиб ўтиш, қизил чироқ, қарама қарши ҳаракатланиш қондасини бузиш;

Ушбу Шартнома бўйича ғилдиракларнинг ва/ёки шиналарнинг қатнов йўлининг нотекислиги ёки ёмон ҳолати, ўткир буюмларни босиши ва ш.к. сабабли зарарланиши, агар бу суғурталанган транспорт воситаси шикастланиши ёки нобуд бўлишига олиб келмаса, қопланмайди.

л) автотранспорт воситасининг ўғирланиши, унинг учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари оқибатида йўқ қилиниши ёки шикастланиши ҳамда жисмларнинг келиб урилиши натижасида, агар ваколатли органларга (ИИБ, ЙХХБ, ФВБ, ЁХХБ) қонунчиликга мувофиқ ўрнатилган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, шунингдек агар ушбу ҳолат ваколатли органлар томонидан тасдиқланмаган бўлса;

м) Йўл транспорт ҳодисаси содир бўлганда Қарздор/Ҳайдовчи томонидан ушбу содир бўлган ҳодиса бўйича Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2021 йил 27 сентябрдаги 609-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситалари егаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар” га асосан “Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома” (Европротокол) тартиби бўйича расмийлаштирилиши.

4.2.2. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига (Наф олувчига) суғурта товонини тўлашни рад этишга ҳақлидир, агар:

а) суғурталанган автотранспорт воситаси Суғурталовчи билан ёзма келишувсиз лизингга, ижарага ёки

гаровга берилган бўлса;

б) буюмларнинг зарбаси натижасида автотранспорт воситаси ойналари, ёритиш чироклари ҳамда кузовида ҳосил бўлган нуқтали, чизикли шикастланишлар учун, бундан шикастланишлар натижасида ойна, ёритиш чирокларнинг ени ёки бўйига тўлиқ чизикли шикастланиш ҳосил бўлган ва бирор қисми узилиб тушган (ойналар учун чизикли шикастланиш 20 см дан кам бўлмаган), кузовдаги чизикли шикастланишлар натижасида тешиқлар ҳосил бўлган шикастлар мустасно.

в) Суғурта қилдирувчи Суғурталовчини суғурта ҳодисаси юзага келганлиги ҳақида шартномада кўрсатилган вақитда (72 соат ичида) ёзма/оғзаки хабардор қилмаган бўлса;

г) ТВни ҳаракатланиши/ йоҳуд ҳаракатсиз турган вақтида йўлига ҳайвонлар (ит, қўй, мол ва ҳ.к.з)нинг чиқиб кетиши натижасида шикастланиши зарар етиши;

д) Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи транспорт воситасидан бошқаришни ўргатиш ёки мусобақа ва синовларда қатнашишда фойдаланиши;

4.2.3. Ушбу Шартнома суғурталанган транспорт воситасига қуйидагилар натижасида етказилган тўлиқ ёки қисман зарарни (йўқотишни) қопламайди:

а) ҳарбий босқинчилик ҳаракатлари, ҳарбий ҳаракатлар ёки ҳарбийга ўхшаш ҳаракатлар (уруш эълон қилинганлиги ёки қилинмаганлигидан қатъий назар), фуқаролик уруши;

б) ғалаён, фуқароларнинг оммавий тартибсизликлари, миллий тавсифдаги иш ташлашлар;

в) шахс ёки гуруҳ томонидан амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари;

г) суғурталанган автотранспорт воситаси давлат органларининг қарорига қўра олиб қўйилиши, мусодара, реквизиция қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиниши оқибатида юз берган зарарлар;

4.3. Махсус истиснолар:

Қуйидагилар суғурта ҳодисалари деб тан олинмайди:

а) транспорт воситасини, унинг алоҳида қисмлари ва боғловчи қисмларини улардан фойдаланиш ва/ёки фойдаланмаслик оқибатида табиий эскириши;

б) суғурталанган транспорт воситаси товар кўринишининг йўқотилиши ва ишлаб чиқарувчи завод йўл қўйган нуқсон;

в) Суғурта қилдирувчи/Наф олувчининг суғурталанган транспорт воситасини такомиллаштириш билан боғлиқ харажатлари;

4.4. Агар зарар миқдори ўрнатилган франшиза миқдоридан ошмаса, Суғурталовчи суғурта товони тўловидан озод бўлади. Франшиза миқдори зарар миқдоридан кам бўлса, суғурта товони тўланаётганда франшиза миқдори тўланиши лозим бўлган суғурта товонидан чегириб қолинади.

4.5. Суғурталовчи ушбу Шартномада кўрсатилмаган ва/ёки тавсифланмаган ҳар қандай мажбуриятга нисбатан ўз зиммасига мажбурият олмайди. Суғурталовчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ҳам суғурта товони тўловидан озод бўлади.

5. СУҒУРТА ҚИЙМАТИ, СУҒУРТА ПУЛИ, СУҒУРТА МУКОФОТИ, УНИ ТўЛАШ ШАКЛИ ВА ТАРТИБИ

5.1. Гаровга қўйилаётган автотранспорт воситасининг суғурта қиймати ва Қарз олувчининг олган кредитини қайтара олмаслик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича бир йилга 1,5 % (бир бутун ўндан беш фоиз) гача ташкил этади.

5.1.1. Қарз олувчининг олган кредитини қайтара олмаслик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича суғурталовчининг жавобгарлиги мазкур суғурталанаётган автотранспорт воситаси ҳарид қилингандан кейин мулк ҳуқуқи расмийлаштирилгандан бошлаб тўхтатилади ва суғурта муддати автотранспорт воситасининг йўқотилиши ёки шикастланиши risks бўйича давом эттирилади.

5.2. Суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчи томонидан бир йўла нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан мазкур шартнома имзоланганидан кейин 3 (уч) банк куни ичида тўланади.

5.3. Суғурта полиси суғурта мукофоти нақд пулсиз тўланганда Суғурталовчининг ҳисобварағига келиб тушган кун ичида берилади (2а, 2б, 3а, 3б, 4 - иловалар).

5.4. Агар суғурта пули суғурта қийматидан кам қилиб белгиланган бўлса, суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганида суғурта қилдирувчига (наф олувчига) у кўрган зарарни суғурта пулининг суғурта қийматига бўлган нисбатига мутаносиб равишда қоплаши шарт.

5.5. Мазкур Бош шартнома бўйича барча ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида (сўмда) амалга оширилади.

6. БОШ ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА СУҒУРТА ПОЛИСИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур Бош шартнома томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва

томонларнинг ёзма келишувига асосан тўхталишига қадар амалда бўлади. Бош шартномани тўхтатилиши учун томонларнинг бири бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши зарур.

6.2. Суғурталовчининг жавобгарлиги суғурта мукофоти (транши/қисми) Суғурталовчининг ҳисобварағига келиб тушгандан бошланади ва суғурта полисида кўрсатилган муддатда амал қилади.

6.2.1. I-Бўлим. Қарз олувчининг олган кредитини қайтара олмаслик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича суғурталовчининг жавобгарлиги суғурта мукофоти (бадали) тўланган кундан бошлаб кучга қиради ва гаровга қўйилаётган автотранспорт воситаси харид қилингандан кейин мулк ҳуқуқи расмийлаштирилгандан бошлаб тўхтатилади ва суғурта муддати автотранспорт воситасининг йўқотилиши ёки шикастланиши риски бўйича давом эттирилади.

6.2.2. II-Бўлим. Автотранспорт воситасининг йўқотилиши ёки шикастланиши таваккалчилиги бўйича Суғурталовчининг жавобгарлиги мазкур суғурталанаётган автотранспорт воситаси харид қилинган кундан эртаси куни соат 00:00 дан бошлаб кучга қиради ва кредит муддатининг охиригача амал қилади.

6.3. Суғурталаш муддати суғурта полисида қайд этилади.

6.4. Кредит шартномаси узайтирилганда, суғурталаш даври қўшимча суғурта мукофотини тўлаш шарти билан узайтирилади.

6.5. Агар Суғурта қилдирувчи Наф олувчининг олдидаги қарзни қоплаш бўйича ўз мажбуриятларини муддатидан илгари тўлиқ ҳажмда бажарган бўлса, суғурта шартномаси суғурталаш даври тугагунча амал қилади ва Суғурта қилдирувчи мазкур Бош шартноманинг шартлари бўйича Наф олувчи бўлиб қолади.

6.6. Суғурта қилдирувчи Суғурта полисини йўқотган ҳолда, унинг ёзма равишдаги аризасига асосан, Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига Суғурта полисини қўчирма нусхасини (дубликатини) ёзиб беради. Йўқотиб қўйилаётган Суғурта полиси бекор қилиниб, у бўйича кеч қандай Суғурта товони тўланмайди.

6.7. Бош шартнома томонларнинг ёзма хабарномаларига асосан ҳар қандай ҳолатда тўхтатилиши мумкин. Бунда хабарнома берувчи, Суғурта қилдирувчининг ёзма розилигини олган ҳолда, томонларни шартнома бекор бўлишидан 30 (ўттиз) кун олдин ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Шартноманинг тарафлар ўртасида бекор қилиш тўғрисидаги келишув битими имзоланганидан сўнг бекор бўлади.

6.8. Агар ушбу Суғурта шартномаси бўйича Суғурталовчи суғурта товонини бундай тўлов суммасидан қатъий назар тўлаган бўлса ёки унда суғурта ҳодисаси юз бериши муносабати билан суғурта товонини тўлашга доир мажбурият бўлса, суғурта мукофоти қайтарилмайди.

6.9. Суғурта шартномасининг амал қилиши куйидаги ҳолларда тўхтатилади:

-унинг амал қилиш муддати тугаганда;

-Суғурталовчи шартнома бўйича ўзининг мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажарганда;

-шартнома томонларнинг келишувига кўра бекор қилинганда;

-Суғурталовчининг ёки юридик шахс бўлган Суғурта қилдирувчининг Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан белгиланган тартибда тугатилганда;

-суд суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса;

-Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

6.10. Агар Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи суғурта шартномаси шартларига мувофиқ суғурта мукофотининг навбатдаги қисми (транши)ни ўз вақтида тўламаган бўлса, мазкур суғурта шартномаси Суғурталовчи томонидан бир тарафлама бекор бўлган ҳисобланади ва Суғурталовчи ушбу суғурта шартномаси бўйича жавобгарлик олиб бормайди.

6.11. Навбатдаги суғурта бадали (навбатдаги транш) тўланганидан сўнг суғурта шартномаси қайта кучга қиради, лекин суғурта шартномаси тўхтатилган кундан кейинги транш тўлангунгача бўлган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта компанияси жавобгар ҳисобланмайди. Навбатдаги бадал (транш суммаси) ўз вақтида тўланмаган тақдирда ҳодиса юзага келса, ҳодиса юзага келгандан сўнг навбатдаги транш тўланишидан қатъий назар суғурталовчи ўша даврда (кейинги транш ўтказиб юборилган давр) юзага келган суғурта ҳодисалари бўйича жавобгарлик олиб бормайди.

6.12. Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) Суғурта шартномасидан муддатидан илгари воз кечганда, тўланган суғурта мукофоти қайтариб берилмайди.

6.13. Агар суғурта шартномаси тузилганидан кейин Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ҳолатлар тўғрисида била туриб ёлгон маълумот бергани аниқланса, Суғурталовчи суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб тан олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга ва Суғурта қилдирувчи томонидан тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.

6.14. Суғурталовчи, агар Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) мазкур суғурта шартномасининг шартларига биноан таваккалчилик даражаси ошгани учун қўшимча суғурта мукофотини тўлашга эътироз билдирган ҳолда, суғурта шартномасини бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Суғурта қилдирувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

7.1.1. Суғурта шартномасининг бутун амал қилиши давомида Суғурталовчидан суғурта қилиш масалалари бўйича маслаҳатлар олиш.

7.1.2. Суғурта ҳодисаси юзага келганда Суғурталовчидан белгиланган тартибда суғурта товонини олиш.

7.1.3. Автотранспорт воситасига ўрнатилган қўшимча жиҳоз-ускуналарни қўшимча суғурта қилишни амалга ошириш.

7.1.4. Суғурталовчи/Наф олувчи билан келишувга биноан, суғурта шартномасига қўшимча битимни имзолаш

йўли билан ўзгартиришларни ва/ёки қўшимчаларни киритиш.

7.1.5. Суғурталовчини/Наф олувчини албатта хабардор қилган ҳолда суғурта шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш.

7.2. Суғурта қилдирувчи қуйдагиларга мажбур:

7.2.1. Суғурталовчи талаб қилган ҳужжатларни, жумладан гаров, кредит ва транспорт воситасини олиш бўйича тегишли шартномаларни тақдим этиши шарт. Автотранспорт воситаси харид қилинганидан ва расмийлаштирилганидан сўнг Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) томонидан автотранспорт воситасининг техник паспорти нусхаси 5 (беш) кунлик муддатда Суғурталовчига тақдим этилиши шарт.

7.2.2. Суғурта мукофотини суғурта шартномасида белгиланган тартиб ва муддатларда тўлаш.

7.2.3. Суғурталовчига суғурталаш объекти тўғрисида тўлиқ ва ҳаққоний ахборотни бериш.

7.2.4. Суғурта шартномасининг амал қилиши даврида Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи уларга маълум бўлиши билан дарҳол, лекин кўпи билан 5 банк куни ичида, Суғурталовчига суғурта объектига тегишли бўлган барча жиддий ўзгаришлар тўғрисида, агар ушбу ўзгаришлар суғурта қилиш таваккалчилигининг ортишига жиддий таъсир этиши мумкин бўлса, жумладан қуйдагилар ҳақида хабар бериши шарт:

- суғурталанган автотранспорт воситасини ва (ёки) унинг қўшимча жиҳоз-ускуналари ва анжомларини ишончнома ёки ижара (прокат) шартномаси бўйича бериш;

- автотранспорт воситасига бўлган мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши;

- аризада кўрсатилган транспорт воситасидан фойдаланиш мақсадларининг ўзгариши;

- қўшимча газ жиҳоз-ускуналарини ўрнатиш;

- автотранспорт воситасини ЙХХБ органларида рўйхатдан олиш ёки қайта рўйхатдан ўтказиш;

- суғурталанган автотранспорт воситаси учун рўйхат ҳужжатлари, автотранспорт воситасининг калитлари, сигнализацияни бошқариш пулти, рўйхат (рақам) белгиларининг йўқотилиши ёки ўғирланиши.

7.2.5. Суғурта объектларини кўздан кечириш учун имконият бериш.

7.2.6. Суғурталанган автотранспорт воситаси ўғирланган ҳолда Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи:

а) зудлик билан, имкони туғилиши билан, лекин ходиса юзага келиши пайтидан кўпи билан 24 соат ичида, Суғурталовчига ёки унинг вакилига ходиса жойини аниқ кўрсатган ҳолда билдириш. Билдиришдан кейин 72 (етмиш икки) соат ичида Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи Суғурталовчига ходисанинг сабаблари ва ҳолатлари баён этилган хабарномани ёзма шаклда (факс ёки бошқа шаклда) юбориши лозим;

б) зудлик билан юз берган воқеа тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар бериш;

в) Суғурталовчига тергов органлари томонидан тасдиқланган ушбу ходиса бўйича жиноий ишнинг қўзғатилиши ёки тўхтатилиши тўғрисида, ёки ишни судга жўнатиш тўғрисидаги қарорларининг нусхаларини тақдим этиш.

7.2.7. Автотранспорт воситаси авария (ЙТХ), портлаш, ёнғин, буюмларнинг зарбаси, учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари, табиий офатлар натижасида нобуд бўлиши ёки шикастланиши ҳолатида:

а) Суғурталовчига 8.2.6.(а) бандига мувофиқ тегишли хабар билдириш;

б) зудлик билан ЙХХБ органларига юз берган ходиса тўғрисида хабар бериш ва албатта воқеа жойида ЙТХ ҳолати бўйича баённома ёки маъмурий далолатнома тузилишини талаб қилиш;

в) Суғурталовчига шикастланган автотранспорт воситасини кўздан кечириш учун тақдим этиш, автотранспорт воситасининг барча шикастланган қисмларининг фотосуратларини олиш ёки видео суратга олиш, Суғурталовчи билан автотранспорт воситасини таъмирлаш ишларини бажариш бошланишигача ўзининг кейинги ҳаракатларини келишиб олиш;

г) Суғурталовчига барча ишлар, эҳтиёт қисмлар ва материаллар рўйхати кўрсатилган таъмирлашни бажариш учун калькуляцияларнинг нусхаларини тақдим этиш;

д) Суғурталовчига тергов органлари томонидан тасдиқланган ушбу ходиса бўйича жиноий ишнинг қўзғатилиши ёки тўхтатилиши тўғрисида, ёки ишни судга жўнатиш тўғрисидаги қарорларининг нусхаларини тақдим этиш.

е) автотранспорт воситасини қисмларга ажратишда ва таъмирлашда яширин нуқсонлар аниқланган ҳолда, ушбу нуқсонлар бартараф этилишидан аввал Суғурталовчини ёзма тарзда огоҳлантириш. Бу ҳолда шикастланган деталларнинг фотосуратлари олинади ва қўшимча далолатнома тузилади.

ё) Суғурталовчи томонидан суғурта ходисаси натижасида Суғурта Қилдирувчига суғурта товони тўлаб берилган тақдирда, Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг биринчи талабига биноан гаровга қўйилган мулкнинг шикастланган қисмларини тақдим этиши шарт.

7.2.8. Суғурталовчига суғурта шартномасининг амал қилиши даври мобайнида суғурталанган автотранспорт воситасининг ҳолатини, шунингдек Суғурта қилдирувчи томонидан автотранспорт воситаси тўғрисида билдирилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш имконини бериш.

7.2.9. Олган кредитни суғурталовчига тақдим этилган аризада ва кредит шартномасида кўрсатилган мақсадларгагина ишлатиш;

7.3. Суғурталовчи қуйдаги ҳуқуқларга эга:

7.3.1. Суғурта шартномасининг амал қилиши даврида суғурталанган автотранспорт воситасининг ҳолатини ва қийматини, шунингдек Суғурта қилдирувчи томонидан автотранспорт воситаси тўғрисида билдирилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш.

7.3.2. Суғурта қилдирувчидан суғурта ходисаси тўғрисидаги ёзма хабарномани кутмай, суғурта ходисаси

билан етказилган зарарларни кўриб чиқишга ва баҳолашга киришиш.

7.3.3. Суғурта ҳодисаси юзага келганда таваккалчиликнинг даражасини тавсифлайдиган қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш.

7.3.4. Суғурта ҳодисаси юзага келганлиги ҳолатини ва сабабларини тасдиқловчи тўлиқ маълумот ва керакли ҳужжатлар олинишига, шунингдек ҳодиса юзага келиши ҳолати бўйича жиноий иш қўзғатилиши ҳолатида - ваколатли органлар томонидан тегишли қарор қабул қилиниши пайтигача суғурта товонини тўлашни кечиктириш.

7.3.5. Агар у суғурта таваккалчилигининг ортишига олиб келувчи ҳолатлар тўғрисида хабардор этилган бўлса, ўзаро қўшимча битимни имзолаш орқали суғурта шартномасининг шартларини ўзгартириш ёки суғурта шартномасини бекор қилиш.

7.3.6. Суғурта воқеасининг тавсифи ва тавсилотларидан келиб чиқиб, Суғурта қилдирувчи мазкур шартноманинг тегишли бандида кўрсатилган ҳужжатларни талаб қилмасдан ҳам суғурта товонини то'лаб бериш;

7.4. Суғурталовчи қуйидагиларга мажбур:

7.4.1. Суғурта полисини ушбу шартномада белгиланган муддатда бериш.

7.4.2. Барча керакли ҳужжатлар олинишидан ва суғурта ҳодиса юзага келганлиги ҳолати эътироф этилганидан кейин 10 кунлик муддатда суғурта товонини тўлаш.

7.4.3. Суғурта қилдирувчи, Наф олувчи билан муносабатларда махфийликни таъминлаш.

7.4.4. Суғурта товонини тўлашдан аввал Наф олувчини бу ҳақда ёзма огоҳлантириш.

7.5. Наф олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

7.5.1. Суғурта товони суммасидан ўз талабларини устувор тарзда, лекин Суғурта қилдирувчининг қарз бўйича Наф олувчининг олдида қарздорлиги суммасидан ошмаган ҳолда қондириш.

7.6. Наф олувчи қуйидагиларга мажбур:

7.6.1. Суғурталовчини кредит шартномасининг узайтирилиши тўғрисида, шунингдек Суғурта қилдирувчи томонидан кредитнинг муддатидан илгари қопланиши тўғрисида хабардор этиш.

8. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТўЛАШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

8.1. I-Бўлим. Қарз олувчининг олган кредитини қайтара олмаслик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича:

8.1.1. суғурта ҳодисаси юзага келганда Наф олувчи 3 (уч) кунлик муддатда суғурталовчини белгиланган тартибдаги ариза билан кредитнинг қайтарилмаслик сабаблари ва уни қайтариш бўйича кўрилаган барча чоралари тўғрисида ёзма тарзда мурожаат қилиши шарт.

Суғурта товони Суғурта қилдирувчига суғурта пулидан ошмаган миқдорда тўланади. Суғурта товони миқдори ҳақиқатда олинган кредит миқдори ва кредитнинг сўндириш учун йўналтирилган пул маблағларини айириб (чегириб) қолган ҳолда аниқланади (суғурталанган кредит маблағига мутаносиб равишда).

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

-кредит бўйича қарздорлик акс эттирилган ҳужжат;

- жорий санада Қарздорнинг ҳисоб рақамидаги маблағлар сальдоси тўғрисида тасдиқланган банк маълумотномаси;

-кредит маблағларидан мақсадли фойдаланиш бўйича ҳужжатлар, маълумотномалар, тизимли мониторинг хулосалари, кредит шартномаси доирасида ҳуқуқбузарлик/қонунбузарлик аломатлари юзага келганда, аниқланганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг қарорлари, хулосалари.

-кредитни белгиланган муддатларда уни қайтарилиши бўйича кўрилган чораларни тасдиқловчи (талабнома ва мавжуд бошқа) ҳужжатлар нусхалари.

-кредитни белгиланган муддатларда уни қайтарилиши бўйича кўрилган чораларни тасдиқловчи (талабнома ва мавжуд бошқа) ҳужжатлар нусхалари. (қарздорнинг бошқа мол-мулкларидан кредит қарзини суд тартибида ундирилганлиги қарорлари) киритилиши шарт.

8.1.2. Наф олувчининг аризаси кўриб чиқилганидан ва кредит қайтарилмаганлиги аниқлангандан сўнг, қарз олувчи, қарз берувчи ва Суғурталовчи ўртасида 3 томонлама, 3 нусхада далолатнома тузилади. Далолатнома суғурталовчининг жавобгарлиги юзага келганидан сўнг 3 кун ичида тузилади. Далолатнома Суғурталовчининг амалдаги қонунчиликка асосан суғурта тўловини тўлаш ёки рад этиш ҳуқуқи мавжуд бўлган масъул ходими томонидан имзоланади.

8.1.3. Суғурталовчи томонидан Наф олувчига суғурта тўлови амалга оширганидан сўнг Суғурта қилдирувчига кредиторларидан (суғурта ҳодисаси юзага келишида айбдор) келиб тушган маблағлар Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг ҳисобварағига тўланган суғурта тўлови учун ўтказилиши шарт.

8.1.4. Суғурталовчи суброгация ҳуқуқидан фойдаланиб, тўлаган суғурта тўлови суммасини ундиргандан сўнг Суғурта қилдирувчи берган ҳуқуқ бўйича қолган ортиқча маблағ Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига қайтариб берилади.

8.2. II -Бўлим. Автотранспорт воситасининг йўқотилиши ёки шикастланиши таваккалчилиги бўйича Суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз бергани ўзига маълум бўлганидан кейин бу ҳақда дарҳол (72 соат ичида) Суғурталовчини ёки унинг вакилини хабардор қилиши шарт. Ушбу мажбуриятнинг бажарилмаслиги Суғурталовчига, агар суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганини ўз вақтида билганлиги, ёхуд бу ҳақда

суғурталовчида маълумотлар йўқлиги унинг суғурта товонини тўлаш мажбуриятига таъсир этмаслиги исботланмаса, суғурта товонини тўлашни рад этиш ҳуқуқини беради (ЎЗР ФК нинг 951-моддаси). Олиб

8.2.1. Ҳодиса тўғрисидаги аризада Суғурта қилдирувчи қуйидагиларни кўрсатади:

- ҳодисанинг санаси ва тафсилотлари;
- ҳодиса юзага келганда Суғурта қилдирувчининг амалга оширган ҳаракатлари;
- шикастланган мазкур автотранспорт воситасининг бошқа суғурта шартномалари асосида суғурталанганлиги

ёки йўқлиги тўғрисида;

- учинчи шахслардан олинган зарар компенсациясининг миқдори.

8.2.2. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

8.2.2.1. Автотранспорт воситаси йўқотилганда:

а) Суғурта қилдирувчи тегишли органларни (йўл ҳаракати хавфсизлиги органлари, ички ишлар, ёнғин хавфсизлиги органлари ва ҳоказо) юз берган ҳодиса тўғрисида хабардор қилганлиги ва юз берган ҳодиса бўйича тергов (текширув) нинг бориши тўғрисида маълумотнома;

б) суғурта полиси.

8.2.2.2. Автотранспорт воситаси шикастланганда:

а) тегишли органларнинг (йўл ҳаракати хавфсизлиги органлари, ички ишлар, ёнғин хавфсизлиги органлари, Уз гидрометеорология хизмати ва ҳоказо) ваколатли вакиллари тузган, ҳодисанинг иштирокчилари ва ҳолатлари кўрсатилган далолатноманинг (қарор ёки маълумотноманинг) асл нусхаси;

б) йўл ҳаракати хавфсизлиги органлари воқеа жойини кўздан кечириши баённомасининг нусхаси ва ЙТХ нинг схемаси;

в) баҳолаш фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган мустақил баҳолаш ташкилотининг автотранспорт воситасини тиклаш учун зарур бўлган ишларнинг рўйхати кўрсатилган калькуляциясининг нусхаси;

г) алкоғолли, гиёҳвандлик, токсик ёки исталган турдаги мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича ҳодиса иштирокчиларининг суд-тиббий экспертизасининг хулосаси;

д) суғурта полиси.

8.2.3. Суғурталовчи суғурта ҳодисасининг ҳолатларига боғлиқ ҳолда қўшимча маълумот ва ҳужжатларни (паспорт, автотранспорт воситасининг техник паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси, бошқариш ҳуқуқи юзасидан ишончнома ва ҳоказо) талаб қилишга ҳақлидир.

8.2.4. Суғурта қилдирувчининг аризаси берилганидан кейин 3 кунлик муддатда Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчининг иштирокида шикастланган автотранспорт воситасини кўздан кечириш далолатномаси тузилади.

8.2.5. Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома барча керакли ҳужжатлар олинганидан ва Суғурталовчи томонидан тегишли қарор қабул қилинганидан кейин тузилади. Уни тузиш учун Суғурталовчи, зарур бўлганда, суғурта ҳодисаси билан боғлиқ бўлган маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан ва суғурта ҳодисасининг ҳолатлари тўғрисида маълумотга эга бўлган бошқа муассасалардан сўраб олади, шунингдек суғурта ҳодисасининг сабабларини ва ҳолатларини мустақил аниқлаш ҳуқуқига эга.

8.2.6. Суғурта ҳодисасининг ҳолатларини тергов қилиш учун, Суғурталовчи ёки Суғурта қилдирувчи мустақил экспертларни (бошқа мустақил баҳоловчи) жалб қилиш ҳуқуқига эга. Уларнинг хулосаси суғурта товонини тўлаш суммасини ўзгартириш учун асос бўлади.

8.2.7. Суғурта товони тўланади:

а) автотранспорт воситаси ўғирланган ёки тўлиқ нобуд бўлган ҳолда - Суғурта шартномасида ушбу автотранспорт воситаси учун кўрсатилган тўлиқ суғурта пули суммаси миқдорида;

б) автотранспорт воситаси шикастланган ҳолда - автотранспорт воситасига етказилган моддий зарар миқдорида.

Суғурта товони миқдори суғурта шартномасида/полисида белгиланган суғурта пули суммасидан ошмаслиги лозим.

Суғурта товони суммасига киритилмайди:

-ишлаб чиқарувчи завод томонидан чиқарилган брак;

-автотранспорт воситасига техник хизмат кўрсатиш ва кафолатли таъмирлаш қиймати;

-автотранспорт воситасининг реконструкцияси, унинг қисмларини, деталлари ва анжомларини эскирганлиги, техник брак ва ҳоказолар туфайли таъмирлаш (алмаштириш) билан боғлиқ бўлган ишларнинг қиймати

Суғурта товонини тўлаш автотранспорт воситасининг алмаштирилиши лозим бўлган эҳтиёт қисмларининг табиий эскиришини ҳисобга олган ҳолда (табиий эскириш суммаси айирилган ҳолда) амалга оширилади.

8.2.8. Агар суғурта ҳодисаси юзага келишига сабаб бўлган ҳолатлар бўйича жиноий иш қўзғатилган ёки суд процесси бошланган бўлса, суғурта товони тўғрисида қарор қабул қилиш тергов ёки судда иш кўрилиши тугагунга қадар кечиктирилиши мумкин.

8.2.9. Суғурта товони Суғурталовчи томонидан у барча керакли ҳужжатлар олганидан ва суғурта ҳодисаси эътироф этилганидан кейин 10 банк кун ичида тўланади.

8.2.10. Барча ҳолларда суғурта товони суғурта шартномасида/полисида белгиланган шартсиз франшиза 50% суммаси айирилган ҳолда ҳисобланади.

8.2.11. Суғурта шартномаси бўйича суғурта пули суммасидан камроқ суғурта товони тўланган ҳолда шартнома ўз муддатининг охиригача, шартномада белгиланган суғурта пули суммаси ва тўланган суғурта товони ўртасидаги фарқ миқдорида ўз кучини сақлаб қолади.

8.2.12. Суғурта қилдирувчи, агар зарар тўлиқ қопланган бўлса ёки суғурта товони суднинг қарорига кўра зарар етказилишига айбдор бўлган шахс томонидан амалга оширилса, суғурта товонини олиш ҳуқуқидан маҳрум

бўлади.

8.2.13. Агар Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи айбдор ёки учинчи шахслардан зарарни қоплаш бўйича суммани олса, Суғурталовчи фақат суғурталаш шартларига кўра тўланиши лозим бўлган сумма ва айбдор ёки учинчи шахслардан олинган сумма орасидаги фаркни тўлайди.

8.2.14. Суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори суғурта қилдирувчига (наф олувчига) улар суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асосланганлигини далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

8.2.15. Суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта пули суммасини тўлашни рад этиш қарори устидан, унга судда даъво билдириш йўли билан шикоят қилиниши мумкин.

8.2.16. Суғурта товонини тўлаш:

8.2.16.1. Суғурта қилдирувчига суғурта товони Наф олувчини ёзма тарзда хабардор этилган ҳолда амалга оширилади. Наф олувчи суғурта товони суммасидан ўз талабларини устувор қондириш ҳуқуқига эга. Бунда Наф олувчи Суғурта қилдирувчининг Наф олувчи олдида кредит бўйича қарздорлигидан ошмаган миқдорда суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга, суғурта товонининг қолган қисми эса Суғурта қилдирувчининг зарарлари доирасида унинг харажатларини қоплаш учун йўналтирилади.

8.2.16.2. Суғурта товони аризада кўрсатилган Наф олувчи/Суғурта қилдирувчининг банк ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

8.2.17. Агар суғурта товони тўланганидан кейин Суғурта қилдирувчига ўғирланган автотранспорт воситаси ёки унинг қисмлари, деталлари, анжомлари қайтарилган бўлса, Суғурта қилдирувчи ўғирлаш билан боғлиқ бўлган таъмирлашнинг қиймати айрилган ҳолда суғурта товонини қайтариши шарт. Ушбу суғурта товони Суғурта қилдирувчи томонидан унга ўғирланган автотранспорт воситаси (унинг қисмлари, деталлари ёки анжомлари) қайтарилганидан кейин кўпи билан 3 ой ичида қайтарилиши лозим. Суғурта қилдирувчи бу талабни бажармаган ҳолда, Суғурталовчи тегишли судга даъво киритади.

8.3. Суғурта товонини тўлаган Суғурталовчига Суғурта қилдирувчининг (Наф олувчининг) суғурта ҳодисаси натижасида қоплаб бериладиган зарарлар учун жавобгар шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи унинг тўлаган суммаси доирасида ўтади.

8.4. Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи Суғурталовчига Суғурталовчи томонидан унга ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча ҳужжатларни ва исботларни бериши ва унга барча керакли маълумотларни тақдим этиши шарт.

8.5. Агар Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи ўзининг Суғурталовчи томонидан қопланган зарарлар учун жавобгар бўлган шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечган бўлса ёки Суғурта қилдирувчининг ёки Наф олувчининг айби билан ушбу ҳуқуқни амалга ошириш мумкин бўлмай қолса, Суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан тўлиқ ёки тегишли қисмида озод этилади ва ортиқча тўланган тоvon суммасини қайтарилишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1. Ўз зиммасига олинган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

9.2. Суғурта муқофоти ўз вақтида тўланмаган ҳолда Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланмаган суғурта муқофотининг (тўловнинг) суммасидан 0,1% миқдорда, лекин кўпи билан муддати ўтган сумманинг 20% дан ошмаган миқдорда пеняни тўлайди.

9.3. Суғурта қилдирувчига (Наф олувчига) тўланиши лозим бўлган суғурта товони тўловларининг кечиктирилиши учун, Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига (Наф олувчига) ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланмаган суғурта пули суммасидан 0,1% миқдорда, лекин кўпи билан мазкур шартнома бўйича тўланиши лозим бўлган сумманинг 20% дан ошмаган миқдорда пеняни тўлайди.

9.4. Мазкур шартнома бўйича зиммасига олган мажбуриятларни бажаришдан асоссиз қисман ёки тўлиқ воз кечиши учун ўз мажбуриятларини бузган томон бошқа томонга ўзи уни тўлашдан воз кечган ёки бош тортган суммадан 15 % миқдорида жарима тўлайди.

9.5. Агар томонларнинг ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги енгиб бўлмайдиган кучдаги ҳолатлар туфайли юзага келган бўлса, улар жавобгарликдан озод қилинади (форс-мажор). Енгиб бўлмайдиган кучдаги ҳолатлар таъсирига учраган томон бошқа томонни ушбу ҳолатларнинг юзага келганлиги ва эҳтимолий давом этиш муддати тўғрисида зудлик билан огоҳлантириши лозим.

10. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. Юридик шахс бўлган Суғурта қилдирувчининг қайта ташкил этилиши ҳолатида ҳамда жисмоний шахс бўлган Суғурта қилдирувчи вафот этса суғурта шартномаси бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятлар унинг ҳуқуқий ворисига ўтади, Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига бу ҳақда ёзма ҳолда билдиради.

10.1.1. Суғурталовчан автотранспорт воситасига мулк ҳуқуқлари суғурта шартномаси унинг манфаатида тузилган шахсдан бошқа шахсга ўтганда, шартнома бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳам автотранспорт воситаси бўйича ҳуқуқлар ўтган шахсга ўтади. Ҳуқуқлар унга ўтказилган шахс Суғурталовчини бу ҳақда 3 кунлик муддатда ёзма тарзда хабардор этиши лозим.

10.2. Суғурта шартномаси бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг учинчи шахсга ўтказилишига томонларнинг

ёзма розилигисиз йўл қўйилмайди.

10.3. Ҳар бир суғурта ходисаси бўйича ва ҳар бир автотранспорт воситаси бўйича шартсиз франшизанинг миқдори ҳар бир автотранспорт воситасининг суғурта пули суммасидан келиб чиқиб белгиланиши мумкин.

10.4. Томонлар форс-мажор ҳолатлари амал қилиш даврида суғурта шартномаси бўйича ўз мажбуриятларининг қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги учун жавобгар бўлмайди.

10.5. Форс-мажор ҳолатларига қуйидагилар киради: уруш ва ҳарбий ҳаракатлар, иш ташлашлар, блокадалар, давлат ташкилотларининг ва давлатлар орасидаги чеклов ва тақиқлаш чора-тадбирлари.

10.6. Форс-мажор ҳолатлар юзага келиши тўғрисида томонлар бир-бирини ёзма тарзда хабардор қилади.


10.7. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган ҳолда, томонларнинг мажбуриятларини бажариши муддати форс-мажор ҳолатлари амал қилган вақтга муганосиб ҳолда кечиктирилади.

10.8. Мазкур шартномада таърифланмаган барча масалалар бўйича томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига таянади.

11. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

11.1. Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган барча низолар қонунчилик билан белгиланган тартибда ҳал этилади.



Юрест: 

**ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ
ШАХСЛАРГА
АЖРАТИЛАЁТГАН
АВТОКРЕДИТНИ КОМПЛЕКС
СУҒУРТАЛАШ
ҚОИДАЛАРИГА 1-ИЛОВАСИ**

1-ҚИСМИ. Умумий маълумотлар:		
1	Суғурта қилдирувчи	
2	Суғурта қилдирувчи манзили	
3	Суғурта шартномасининг муддати	
3.1	Суғурта муддати	
4	Наф олувчи	
5	Суғурта қилдирувчи ва Наф олувчи ўртасида шартномалар (кредит шартномаси, лизинг шартномаси ва ш.ў.)	
6	Ўзаро ҳисоб-китоб валютаси	
7	Суғурта ҳудуди	
2-ҚИСМИ. Транспорт воситаси тўғрисида маълумот илова қилинади:		
1	Русуми *	
	Давлат рақами №*	
	Ишлаб чиқариш йили*	
	Техник паспорти ва санаси №*	
	Кузов рақами*	
	Шасси рақами*	
	Двигател рақами*	
	Франшиза*	
3-ҚИСМИ. Умумий суғурта пули:		
Шартнома бўйича умумий суғурта мукофоти:		
4-ҚИСМИ. Суғурта мукофоти тўлови:		
Суғурта мукофоти қуйидаги тартибда тўланади		

СУҒУРТАЛОВЧИ	НАФ ОЛУВЧИ:	СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ/ГАРОВГА ҚЎЮВЧИ:
«MY-INSURANCE» АЖ СТ	ХАТБ «DAVR BANK»	Қоидалар шартлари билан танишиб чикдим Фуқаро:
_____	_____	_____
ИМЗО м.ў.	ИМЗО м.ў.	ИМЗО



ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ
ШАХСЛАРГА
АЖРАТИЛАЁТГАН
АВТОКРЕДИТНИ КОМПЛЕКС
СУҒУРТАЛАШ
ҚОИДАЛАРИГА
2а-ИЛОВАСИ

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА АЖРАТИЛАЁТГАН АВТОКРЕДИТНИ
КОМПЛЕКС СУҒУРТАЛАШ СУҒУРТА ПОЛИСИ № __/30/__/__

1. Суғурта қилдирувчи			
2. Суғурта қилдирувчининг манзили, телефон рақами			
3. Кредит шартнома			
4. Транспорт воситасининг нархи			
5. Наф олувчи			
6. Суғурта рисклари, суғурта суммаси ва мукофоти	Суғурталанган рисклар	Суғурта суммаси	Суғурта мукофоти
	ТВ нинг йўқолиши ёки шикастланиши.		
7. Шартсиз франшиза			
8. Суғурта даври:	Транспорт воситасини йўқотилиши ёки шикастланиши бўйича: транспорт воситаси сотиб олинган ва рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб 20__ йил "__" _____ гача (муддати тугагунга қадар) кредит шартномасининг амал қилиш муддатининг охиригача.		
9. Кутиш даври:	15 (ўн беш) кун.		
<p>«MY-INSURANCE» АЖ СТнинг суғурта товони тўлаш бўйича мажбуриятлари суғурта мукофоти келиб тушган кундан кучга кирилади ва 20__ йил "__" _____ гача амалда бўлади (иккала муддат киритилган ҳолда).</p> <p>Автотранспорт воситаси сотиб олинган ва рўйхатдан ўтказилгандан сўнг суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурталовчига 5 (беш) кун ичида транспорт воситасининг техник паспорти нухасини тақдим этиши шарт.</p>			
Суғурталовчи номидан: _____ _____ <p style="text-align: center;">(имзо) м.п.</p> <p style="text-align: right;">“ ” 20__ й.</p>			



ЮРИДИК ВА
ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА
АЖРАТИЛАЁТГАН
АВТОКРЕДИТНИ КОМПЛЕКС
СУҒУРТАЛАШ
ҚОИДАЛАРИГА
26-ИЛОВАСИ

АВТОКРЕДИТНИ ҚАЙТМАСЛИК ХАТАРИДАН СУҒУРТАЛАШ
СУҒУРТА ПОЛИСИ № __/80/__/__

1. Суғурта қилдирувчи			
2. Суғурта қилдирувчининг манзили, телефон рақами			
3. Кредит шартнома			
4. Транспорт воситасининг нархи			
5. Наф олувчи			
6. Суғурта рисклари, суғурта суммаси ва мукофоти	Суғурталанган рисклар	Суғурта суммаси	Суғурта мукофоти
	Қарз олувчи томонидан олинган кредитни қайтармаслик учун жавобгарлик.		
7. Шартсиз франшиза			
8. Суғурта даври:	Қарз олувчи томонидан олинган кредитни қайтармаслик учун жавобгарлик бўйича: 20__ йил "__" ноябрдан 20__ йил "__" _____ гача		
9. Кутиш даври:	15 (ўн беш) кун.		
«MY-INSURANCE» АЖ СТнинг суғурта товони тўлаш бўйича мажбуриятлари суғурта мукофоти келиб тушган кундан кучга киради ва 20__ йил "__" _____ гача амалда бўлади (иккала муддат киритилган ҳолда).			
Суғурталовчи номидан: _____ _____			
		(имзо) м.п.	_____
			“__” _____ 20__ й.

**ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ
ШАХСЛАРГА
АЖРАТИЛАЁТГАН
АВТОКРЕДИТНИ КОМПЛЕКС
СУҒУРТАЛАШ
ҚОИДАЛАРИГА
3а-ИЛОВАСИ**

**АВТОКРЕДИТНИ СУҒУРТАЛАШ
СУҒУРТА ПОЛИСИ № ___/30/___/___**

1. Суғурта қилдирувчи			
2. Суғурта қилдирувчининг манзили, телефон рақами			
3. Транспорт воситаси маркаси			
4. Транспорт воситасининг нархи			
5. Транспорт воситаси тўғрисида маълумот	Русуми*		
	Давлат рақами №*		
	Ишлаб чиқариш йили*		
	Техник паспорти ва санаси №*		
	Кузов рақами*		
	Шасси рақами*		
Двигател рақами*			
6. Наф олувчи			
7. Суғурта рисклари, суғурта суммаси ва мукофоти	Суғурталанган рисклар	Суғурта суммаси	Суғурта мукофоти
	ТВ нинг йўқолиши ёки шикастланиши.		
8. Шартсиз франшиза			
9. Суғурта даври:	Транспорт воситасини йўқотилиши ёки шикастланиши бўйича: транспорт воситаси сотиб олинган ва рўйхатдан ўтказилган пайдан бошлаб 20 ___ йил "___" _____ гача (муддати тугагунга қадар) кредит шартномасининг амал қилиш муддатининг охиригача.		
10. Кутиш даври:	15 (ўн беш) кун.		
<p align="center"><i>«MY-INSURANCE» АЖ СТнинг суғурта товони тўлаш бўйича мажбуриятлари суғурта мукофоти келиб тушган кундан кучга киради ва 20 ___ йил "___" _____ гача амалда бўлади (иккала муддат киритилган ҳолда).</i></p>			
<p>Суғурталовчи номидан:</p> <p>_____</p> <p>_____</p> <p align="center">_____ (имзо) м.п.</p> <p align="right">_____</p> <p align="right">“___” _____ 20__ й.</p>			

**ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ
ШАХСЛАРГА
АЖРАТИЛАЁТГАН
АВТОКРЕДИТНИ КОМПЛЕКС
СУҒУРТАЛАШ
ҚОИДАЛАРИГА
36-ИЛОВАСИ**

**АВТОКРЕДИТНИ ҚАЙТМАСЛИК ХАТАРИДАН СУҒУРТАЛАШ
СУҒУРТА ПОЛИСИ № __/80/__/__**

1. Суғурта қилдирувчи			
2. Суғурта қилдирувчининг манзили, телефон рақами			
3. Транспорт воситаси маркаси			
4. Транспорт воситасининг нархи			
5. Наф олувчи			
6. Суғурта рисклари, суғурта суммаси ва мукофоти	Суғурталанган рисклар	Суғурта суммаси	Суғурта мукофоти
	Қарз олувчи томонидан олинган кредитни қайтармаслик учун жавобгарлик.		
7. Шартсиз франшиза	0 %		
8. Суғурта даври:	Қарз олувчи томонидан олинган кредитни қайтармаслик учун жавобгарлик бўйича: 20__ йил " __ " _____ дан 20__ йил " __ " _____ гача		
9. Кутиш даври:	15 (ўн беш) кун.		
<p><i>«MY-INSURANCE» АЖ СТнинг суғурта товони тўлаш бўйича мажбуриятлари суғурта мукофоти келиб тушган кундан кучга киради ва 20__ йил " __ " _____ гача амалда бўлади (иккала муддат киритилган ҳолда).</i></p>			
<p>Суғурталовчи номидан:</p> <p>_____</p> <p>_____</p> <p align="center">_____ (имзо) м.п.</p> <p align="right">_____</p> <p align="right">“ __ ” _____ 20__ й.</p>			

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ
ШАХСЛАРГА
АЖРАТИЛАЁТГАН
АВТОКРЕДИТНИ КОМПЛЕКС
СУҒУРТАЛАШ
ҚОИДАЛАРИГА
4-ИЛОВАСИ

АВТОКРЕДИТНИ КОМПЛЕКС СУҒУРТАЛАШ
СУҒУРТА ПОЛИСИ № __/__/__

1. Суғурта қилдирувчи			
2. Суғурта қилдирувчининг манзили, телефон рақами			
3. Кредит шартнома			
4. Транспорт воситасининг нархи			
5. Наф олувчи			
6. Суғурта рисклари, суғурта суммаси ва мукофоти	Суғурталанган рисклар	Суғурта суммаси	Суғурта мукофоти
	ТВ нинг йўқолиши ёки шикастланиши. Қарз олувчи томонидан олинган кредитни қайтармаслик учун жавобгарлик.		
7. Шартсиз франшиза	0 %		
8. Суғурта даври:	Қарз олувчи томонидан олинган кредитни қайтармаслик учун жавобгарлик бўйича: 20__ йил "__" _____ дан 20__ йил "__" _____ гача Агар транспорт воситаси автосалон томонидан белгиланган муддатида ёки белгиланган муддатидан олдин етказиб берилса, ушбу хавф учун жавобгарлик тугайди ва транспорт воситасининг йўқолиши ёки шикастланиши хавфи кучга киради.		
	Транспорт воситасини йўқотилиши ёки шикастланиши бўйича: транспорт воситаси сотиб олинган ва рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб 20__ йил "__" _____ гача (муддати тугагунга қадар) кредит шартномасининг амал қилиш муддатининг охиригача.		
9. Кутиш даври:	15 (ўн беш) кун.		
<p>«MY-INSURANCE» АЖ СТнинг суғурта товони тўлаш бўйича мажбуриятлари суғурта мукофоти келиб тушган кундан кучга киради ва 20__ йил "__" _____ гача амалда бўлади (иккала муддат киритилган ҳолда).</p> <p>Автотранспорт воситаси сотиб олинган ва рўйхатдан ўтказилгандан сўнг суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурталовчига 5 (беш) кун ичида транспорт воситасининг техник паспорти нусхасини тақдим этиши шарт.</p>			
<p>Суғурталовчи номидан:</p> <p>_____</p> <p>_____ (имзо) м.п.</p> <p>_____ “__” _____ 20__ й.</p>			